

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАРИЗАЕВ ДИЛШОД ЮНУСОВИЧ**

**БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ГОРМОНАЛ ФАОЛ ЎСМАЛАРИ БИЛАН  
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАНИШДА БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.14 - Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамаризаев Дилшод Юнусович**

Буйрак усти беги гормонал фаол

ўсмалари билан жарроҳлик даволанишда

беморларни олиб бориш хусусиятлари ..... 3

**Мамаризаев Дилшод Юнусович**

Особенности ведения больных с

гормонально-активными опухолями

надпочечников при хирургическом лечении..... 29

**Mamarizaev Dilshod Yunusovich**

Features of the management of patients

in surgical treatment with hormone-active

tumors of the adrenal glands..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 62

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАРИЗАЕВ ДИЛШОД ЮНУСОВИЧ**

**БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ГОРМОНАЛ ФАОЛ ЎСМАЛАРИ БИЛАН  
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАНИШДА БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.14 - Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1921 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Джураев Миржалол Дехканович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Муҳаммедаминов Шухрат Каримджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бойко Елена Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz), республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертасиясига аннотасия)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги кунда буйрак усти беzi хавфли ўсмар касалликлари тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан асосийси бўлиб қолмоқда. Бир қатор тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, «...2021 йилда дунёда буйрай усти беzi хавфли усма касаллиги 25 578 та Европа мамлакатлар беморларида, шу жумладан эркакларда 10 499 та (41,0%) ва аёлларда 15 079 та (59,0%) аниқланган. Ушбу кўрсаткичнинг 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 16,4% ҳамда 100 000 аҳолига хавфли ўсма билан касалланиш даражаси 74,0 ни ни ташкил этди»<sup>1</sup>. Айни пайтда буйрак усти беzi ўсмалари билан касалланиш сонини ортиб бориши, патогенетик механизмлари, клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари, оғир асоратлар юзага келишини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик даво муолажаларини буюриш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда буйрак усти беzi ўсма касалликларни клиник ва патогенетик жиҳатларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада буйрак усти беzi гормонал фаол ўсмаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўз вақтида мақбул даволаш усулини танлаш, беморларни жарроҳликдан олдин ва кейинги этапларида олиб боришни такомиллаштириш, касалликлар мавжуд беморларда қайталанишни олдини олиш комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислашга, касалликни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризасиянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, гормон-фаол буйрак усти ўсмалари билан жарроҳлик даволашда беморларни бошқариш самарадорлигини ошириш, уларни даволаш-профилактика чора-тадбирлари такомиллаштириш орқали юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28

---

<sup>1</sup> WHO 2022

январидаги ПФ-60-сонли<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги» ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021-йил 28-июлдаги ПК-5199-сон ва фармонида ва 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор ёналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларда жаррохликдан олдинги тайёргарлик даврида  $\alpha$ -адреноблакаторларни қўллаш зарурий босқичи бўлиб, чунки улар катехоламинларнинг юрак-қон томир тизимига ортикча таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Шунга қарамадан ханузгача  $\alpha$ -адреноблакаторлар билан жаррохликдан олдинги тайёргарлик самарадорлигининг умумий тан олинган мезонлари ишлаб чиқилмаган (Шихмагомедов Ш. Ш. 2023). Оилавий ёки феохромоцитома билан боғлиқ ирсий синдромларнинг ҳар қандай таркибий қисмларининг мавжудлиги, ҳамда клиник аломатларнинг кузатилиши лаборатор текширишлар учун кўрсатма ҳисобланади (Стегний К. В. 2020). Илгари шу мақсадда катехоламинларнинг сийдик билан кунлик чиқарилишини аниқлаш ва уларнинг плазмадаги концентрациясини ўлчаш усули кенг қўлланилган. Аммо қонда катехоламинлар мавжудлигининг қисқа муддати туфайли бу усулни кам маълумоттли деб ҳисобланади (Мурадян А. Г. ва Дедов И. И. 2019). Ҳозирги вақтда феохромоцитомани лаборатор диагностикасининг энг аниқ ва оммабоп усули сийдикда метанефринларнинг кунлик чиқарилишини ўлчаш ҳисобланади ва ушбу усулнинг сезгирлиги 99% га этади ва ўзига хослик 87-90% ни ташкил қилади (Румянцев П. О. ва Белошиский М. Э. 2018). Шу билан бирга, феохромоцитоманинг лаборатор белгиларини ўз вақтида аниқланмаслиги, нотўғри салбий натижалар кўринишида олинмиши бемор учун фалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Феохромоцитома билан оғриган беморларда гиперкинетик вазоконстриктор, гипертензия шакли ривожланади, бу юракнинг диастолик функциясининг бузилишига ва ўз навбатида сурункали юрак этишмовчилиги ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга, ушбу беморларда оғир

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги № УП-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асоратларни ривожланишига юрак-қон томир тизимининг таркибий ва функционал бузилишларига ҳам сабаб бўлиши мумкин (Кутовой А. Б. 2018). Феохромоцитомани ташхислаш ва даволаш бўйича Россия Эндокринологлар Ассоциациясининг клиник тавсияларида жаррохликдан камида 7 кун олдин  $\alpha$ -адреноблакаторлар буюрилиши керак тавсия этилган. Операциядан олдин самарали тайёргарликнинг асосий шартларидан бири танада керакли даражада суюқлик ҳажмини тўлдиришдир. П. О. Румянсевнинг (2018) фикрига кўра жаррохликдан олдинги тайёргарликнинг етарлилиги мезони бу организмда камида 3 л/мин/м<sup>2</sup> кўрсаткичда юрак отиш қийматини тўлдириш ва умумий периферик қон томир қаршилигини нормаллаштириш зарурлиги асосланган. Ҳамда марказий ва периферик гемодинамиканинг ҳолатини объективлаштириш учун реография ва ЭКГ мониторингидан фойдаланиш зарурлиги аниқланган (П. Н. Ромашченко 2020). Беморнинг жаррохлик амалиётига тайёргарлик мезонлари бу гипертоник хуружларни пасайтириш, гиповолемик синдромни енгиллаштириш (клиник ва жаррохликдан олдин марказий веноз босимни ўлчаш натижаларига кўра), ритм бузилишларини бартараф этиш, метаболик касалликларни тузатиш ҳисобланади (Мотренко А. Ю. ва Бритвин Т. А. 2021).

Мамлакатимизда хавфли феохромоцитомда артериал гипертензиянинг турли шакллариининг клиник хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда даволаш,  $\alpha$ -адреноблакаторлар билан жаррохликдан олдинги тайёргарлик тадбирларини ўтказиш, гипертоник кризларни бошқариш, пароксизмал гипертензияни бартараф этиш тадбирларига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Эргашов Б. К. 2024; Алимухамедова Г. А. 2021; Тилляшайхов М.Н. 2022). Шунга қарамасдан Самарқанд вилояти ҳудудида хавфли феохромоцитоманинг эрта ташхислаш усуллариини такомиллаштириш ва даволашни мақбул усуллариини танлаш, ҳамда беморларни жаррохликдан олдинги даврда тайёрлаш чора тадбирларини оптималлаштириш орқали келиб чиқадиган асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш амалиёти тўлалигича йўлга қўйилмаган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган онкология амалиётида хавфли феохромоцитома билан касаланган беморларга жаррохлик амалиётларини ва диагностика воситаларини танлашга ёрдам беради. Юқорида айтилганларга асосланиб, хавфли феохромоцитома билан касаланган беморларда мазкур патологияни ташхислаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, даволаш, жаррохликдан олдинги даврга тайёрлаш ва реабилитация босқичларини тўғри ташкил этиш касалликларининг қайталаниши ва мумкин бўлган асоратларининг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш ва жаррохлик амалиёти даволашни такомиллаштириш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 012000260-сонли «Инсон организмнинг юқумли ва юқумсиз ижтимоий аҳамиятга эга касалликларини олдини олиш, диагностикаси ва даволашнинг илғор

технологияларини ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** жаррохликдан олдинги тайёргарлик тактикасини оптималлаштириш орқали буйрак усти беги гормонал фаол хавфли феохромоцитомаси бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўсимта ҳажми, касалликнинг давомийлиги, гипертензив инқирозлар интенсивлиги касалликнинг натижасига таъсирини ва хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларнинг омон қолишини ўрганиш. Юқоридаги параметрларнинг PASS ва GAPP шкаласи билан корреляциясини аниқлаш;

хавфли феохромоцитомани эрта ташхислаш учун суткалик сийдикда метанефрин ва норметанефриннинг миқдори ортишининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш;

жаррохлик аралашувидан олдин асоратлар сонини камайтириш ва беморларнинг умумий клиник ҳолатини яхшилаш учун гемодинамик кўрсаткичларга асосланган жаррохликдан олдинги тайёргарлик методологиясини такомиллаштириш;

асосий прогноз омилларини ҳисобга олган ҳолда хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларни жаррохлик даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш ва аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика клиник онкологик диспансери (Россия Федерацияси Уфа шаҳри малумотнома 06.12.2023 йил №01-06/3297пр) Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек, РИО ва РИАТМ Самарқанд филиалига мурожаат қилган буйрак усти гормонал фаол ўсмалари бўлган 118 нафар бемордан иборат эди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинган беморларнинг периферик қони ва қон зардоби, ҳамда пешоби ва биоматерил ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал (ултратовуш, эндоскопик, радиоизотоп, МСКТ) ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хавфли феохромоцитоманинг кечишида ўсма ҳажми, гипертензив синдромларнинг интенсивлиги, PASS, GAPP кўрсаткичлари ва преморбид фон салбий прогностик хавф омиллар эканлиги асосланган;

хавфли феохромоцитоманинг эрта ташхислашда суткалик сийдикда фракцияланган метанефрин ва норметанефрин миқдорининг 350 мкг/сут. дан ортиши касалликни диагностик маркер эканлиги асосланган;

буйрак усти беги хавфли феохромоцитоманинг жаррохлик амалиётидан олдинги даврда қон томирларнинг умумий қаршилиги индексини аниқлаш ҳисобига  $\alpha$ -адреноблокаторлар оптимал дозаси ва қўллаш давомийлигини танлаш орқали даволаш тактикаси такомиллаштирилган;



хавфли феохромоцитома беморларда жаррохликдан олдин тайёргарлик пайтида доксазозинни қўлланганда, хирургик амалиёт вақтида гипертоник кризларни ривожланмаслиги ва интраоперацион қон кетиши камайиши ҳисобига даво тактикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

феохромоцитомани эрта ташхислаш учун мунтазам тест сифатида 24 соатлик пешоб таркибидаги метанефрин ва норметанефрин даражасини аниқлашни қўллаш тавсия этилади. Бу эндокрин ўсмаларга шубҳа қилинган беморларни мунтазам баҳолашнинг бир қисми бўлиши керак;

хавфли феохромоцитомаси мавжуд беморларда такомиллаштирилган жаррохликдан олдинги тайёрлаш усули индивидуал ёндашувга эътибор қаратган ҳолда амалиётга фаол жорий этиш керак, бу асоратлар сонининг камайишига ва беморларнинг жаррохликдан олдинги ҳолатининг яхшиланишига олиб келиши керак;

феохромоцитомани билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш жараёнига кўп даражали мониторингни, шу жумладан гормонал тадқиқотларни ва МСКТни бирлаштириш тавсия этилади. Бу нафақат ташхисни яхшилади, балки жаррохлик асоратлари хавфини камайтиради;

тиббий мутахассислари учун хавфли феохромоцитомани ташхислаш ва даволашнинг сўнгги ютуқлари бўйича тренинглар ўтказиш керак, бу эса касбий тайёргарлик даражасини ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатория, инструментал, жаррохлик ва статистик тадқиқот усуллари хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларни даволашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касалликнинг частотаси, шакли, ўсмани ҳажми ва хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларни асоратлари табиатини ўрганиш, беморларда мақбул жаррохлик даволаш тактикасини белгилаш учун периферик қон томир қаршилиги индексини баҳолаш асосида гипертензия шаклига қараб буйрак усти беши гормон-фаол ўсмалари бўлган беморларни жаррохликдан олдинги тайёргарлик сифатини баҳолашнинг объектив мезонлари ишлаб чиқиши ва даволаш-диагностик чора тадбирларини такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хавфли феохромоцитома билан оғриган болаларни асоратларнинг тури, ҳажми ва мавжудлигига қараб жаррохлик амалиётига беморларни тайёрлаш учун кўрсатмалар, ҳамда диагностик ва даволаш чора тадбирларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларини қўллаш орқали юзага келиши мумкин бўлган

асоратларнинг олдини олиш ва даво натижаларини яхшилаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буйрак усти беzi ўсмалари билан жарохлик даволанишда беморларни олиб бориш хусусятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*Биринчи илмий янгилик:* хавфли феохромоцитоманинг кечишида ўсма ҳажми, гипертензив синдромларнинг интенсивлиги, PASS, GAPP кўрсаткичлари ва преморбид фон салбий прогностик хавф омиллар эканлиги асосланганлиги 2022 йил 26 сентябрдаги №91-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали, 2022 йил 28 сентябрдаги №97-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 24 сентябрдаги 06/51-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул нафақат беморнинг оғирлигини аниқроқ баҳолаш, балки салбий натижа хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлаш имконини беради. Бу юрак-қон томир асоратлари билан боғлиқ хавф омиллари ҳақида батафсилроқ тасаввур қилишга имкон беради. Белгиланган прогностик хавф омилларини тизимли таҳлил қилиш терапия натижаларини яхшилаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* хавли феохромоцитома билан оғриган беморларда ўсимта ҳажми, касалликнинг давомийлиги, оғирлашган преморбид фон ва гипертензив синдромларнинг интенсивлиги каби прогностик хавф омилларини эрта аниқлаш жаррохликдан олдинги тайёргарлик стратегиясини оптималлаштиришга имкон берди, бу еса ўз навбатида жаррохликдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайтиради ва давлат бюджети маблағларини 14,4 % тежашга еришилди. *Хулоса:* хавли феохромоцитома билан оғриган беморларда ўсимта ҳажми, касалликнинг давомийлиги, оғирлашган преморбид фон ва гипертензив синдромларнинг интенсивлиги каби прогностик хавф омилларини эрта аниқлаш жаррохликдан олдинги тайёргарлик стратегиясини оптималлаштириш натижасида ижобий тартиби учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 14,4 % иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

*Иккинчи илмий янгилик:* хавфли феохромоцитоманинг эрта ташхислашда суткалик сийдикда фракцияланган метанефрин ва норметанефрин миқдорининг 350 мкг/сут. дан ортиши касалликни диагностик маркер эканлиги асосланганлиги 2022 йил 26 сентябрьдаги №91-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали, 2022 йил 28 сентябрьдаги №97-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашининг 2024 йил 24 сентябрдаги 06/51-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* суткалик сийдикда фракцияланган метанефрин ва норметанефринни 350 мкг/сут. дан ортиши хавfli феохромоцитоманинг диагностик белгиси сифатида аниқлаш ушбу касалликни эрта ва аниқ ташхислашга имконият беради, бу еса ўз навбатида дори-дармонларни ва жарроҳлик даволашни ўз вақтида бошлаш туфайли ўлимни камайтиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* кундалик сийдикда фракцияланган метанефрин ва норметанефринни кунига 350 мкг/сут. дан ортиқ концентрацияларда аниқлаш хавли феохромоцитоманинг диагностик белгисидир. Бу касалликни ўз вақтида ва аниқ ташхислаш, кўплаб диагностика муолажалари ва кераксиз тиббий аралашувлардан қочиш имконини беради, бу еса молиявий харажатларнинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, тиббий ва жарроҳлик даволанишни ўз вақтида бошлаш оғир асоратлар ривожланишининг олдини олишга имкон беради ва натижада қиммат стационар даволаниш, интенсив терапия ва жарроҳликдан кейинги узок муддатли парвариш зарурати туғилмайди. Шунингдек, бу давлат бюджети харажатларининг 22 % тежашга ёрдам беради. *Хулоса:* кундалик сийдикда фракцияланган метанефрин ва норметанефринни кунига 350 мкг/сут. дан ортиқ концентрацияларда аниқлаш хавли феохромоцитоманинг диагностик белгисидир. Бу касалликни ўз вақтида ва аниқ ташхислаш, кўплаб диагностика муолажалари ва кераксиз тиббий аралашувлардан қочиш имконини беради, бу еса молиявий харажатларнинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, тиббий ва жарроҳлик даволанишни ўз вақтида бошлаш оғир асоратлар ривожланишининг олдини олишга имкон беради ва натижада қиммат стационар даволаниш, интенсив терапия ва жарроҳликдан кейинги узок муддатли парвариш зарурати туғилмаслиги орқали даволаш натижаларини ижобий тартиби учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 22 % га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

*Учинчи илмий янгилик:* буйрак усти беzi хавfli феохромоцитоманинг жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда қон томирларнинг умумий қаршилиги индексини аниқлаш ҳисобига  $\alpha$ -адреноблокаторлар оптимал дозаси ва қўллаш давомийлигини танлаш орқали тактикаси такомиллаштирилганлиги 2022 йил 26 сентябрдаги №91-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали, 2022 йил 28 сентябрдаги №97-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 24 сентябрдаги 06/51-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* умумий периферик қон томир қаршилиги индексини аниқлашга асосланган хавfli феохромоцитома билан оғриган беморларни жарроҳликдан олдин тайёрлашнинг усули ишлаб чиқилган. Методология алфа-адреноблокаторларни тайинлашга шахсийлаштирилган ёндашувдан

иборат бўлиб, у клиник натижаларни яхшилади ва асоратларнинг умумий хавфини камайтиради. Беморларнинг жаррохликдан олдинги ҳолатини самарали бошқариш жаррохлик амалиётларини муваффақиятини оширишга ва жаррохликдан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Умумий периферик қон томир қаршилиги индексини аниқлашга асосланган хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларни жаррохликдан олдинги тайёрлаш методологияси ишлаб чиқилган бу периоператив даврда беморларни бошқариш тактикасини сезиларли даражада яхшилашга ёрдам беради. Ушбу усул бизга алфа-адреноблокаторнинг оптимал дозасини шахсийлаштирилган равишда танлаш ва улардан фойдаланишнинг зарур давомийлигини аниқлаш имконини беради, бу гемодинамик параметрларнинг барқарорлашишига, асоратлар хавфини камайтиришга ва жаррохлик амалиёти арафасида беморнинг умумий аҳволини яхшилашга олиб келади. Ушбу техниканинг жорий этилиши юқори самарадорликни кўрсатди, чунки у беморнинг касалхонада ўтказадиган вақтини қисқартирди ва жаррохликдан кейинги асоратлар частотасини камайтирди, ётоқ кунлари қисқаришига олиб келди ва давлат бюджетидан 10,5% тежашга еришди. *Хулоса:* Умумий периферик қон томир қаршилиги индексини аниқлашга асосланган хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларни жаррохликдан олдинги тайёрлаш методологияси ишлаб чиқилган бу периоператив даврда беморларни бошқариш тактикасини сезиларли даражада яхшилашга ёрдам беради. Ушбу усул бизга алфа-адреноблокаторнинг оптимал дозасини шахсийлаштирилган равишда танлаш ва улардан фойдаланишнинг зарур давомийлигини аниқлаш имконини беради, бу гемодинамик параметрларнинг барқарорлашишига, асоратлар хавфини камайтиришга ва операция арафасида беморнинг умумий аҳволини яхшилашга олиб келади. Ушбу техниканинг жорий этилиши юқори самарадорликни кўрсатди, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 10,5% га иқтисод қилиш, беморнинг касалхонада ўтказадиган вақтини қисқартирди ва операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтирди, ётоқ кунлари қисқаришига олиб келди ва давлат бюджетидан тежашга еришди.

*Тўртинчи илмий янгилик:* хавфли феохромоцитома беморларда жаррохликдан олдин тайёргарлик пайтида доксазозинни қўлланганда, хирургик амалиёт вақтида гипертоник кризларни ривожланмаслиги ва интраоперацион қон кетиши камайиши ҳисобига даво тактикаси такомиллаштирилганлиги 2022 йил 26 сентябрьдаги №91-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали, 2022 йил 28 сентябрьдаги №97-сонли буйруқ билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 24 сентябрьдаги 06/51-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Операциядан олдинги тайёргарликнинг тавсия этилган усули хавли феохромоцитома билан оғриган беморларда жаррохликдан кейинги асоратлар даражасини сезиларли даражада камайтирди, бу асосий гуруҳ

(3,33%) ва назорат гуруҳи (29,31%) ўртасидаги кўрсаткичларнинг сезиларли фарқи билан тасдиқланади. Ушбу прогрессив ёндашув нафақат беморларнинг умумий омон қолиш даражасини оширишга ёрдам беради, балки уларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, такрорий тиббий аралашувлар ва реабилитацияга бўлган еҳтиёжни камайтирди, шунингдек, ётоқ кунларининг қисқаришига ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* алфа-адреноблокаторлар билан шахсийлаштирилган равишда танланган терапия асосида хавли феохромоцитома билан оғриган беморларни жарроҳликдан олдин тайёрлашнинг тавсия этилган усули жарроҳликдан кейинги асоратларнинг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди, бу назорат гуруҳидаги 29,31% билан солиштирганда асосий гуруҳда 3,33% ни ташкил етди. Ушбу натижа жарроҳлик аралашуви хавфсизлигининг ошиши ва беморларнинг умумий омон қолишининг яхшиланишини кўрсатади, бу еса ушбу патологияга ега беморларни жарроҳликдан олдин бошқаришда шахсийлаштирилган ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Ушбу техниканинг жорий этилиши унинг юқори самарадорлиги билан оқланади, чунки жарроҳликдан кейинги асоратлар сонини камайтириш такрорий жарроҳлик аралашувлар, асоратларни даволаш ва беморларнинг касалхонада қолиш муддатини тўғридан-тўғри камайтиради ва давлат бюджетини 1,6 баравар тежашга еришилди. *Хулоса:* алфа-адреноблокаторлар билан шахсийлаштирилган равишда танланган терапия асосида хавли феохромоцитома билан оғриган беморларни жарроҳликдан олдин тайёрлашнинг тавсия этилган усули жарроҳликдан кейинги асоратларнинг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди, бу назорат гуруҳидаги 29,31% билан солиштирганда асосий гуруҳда 3,33% ни ташкил етди. Ушбу натижа жарроҳлик аралашуви хавфсизлигининг ошиши ва беморларнинг умумий омон қолишининг яхшиланишини кўрсатади, бу еса ушбу патологияга эга беморларни жарроҳликдан олдин бошқаришда шахсийлаштирилган ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Ушбу техниканинг жорий этилиши унинг юқори самарадорлиги билан оқланади, чунки жарроҳликдан кейинги асоратлар сонини камайтириш такрорий жарроҳлик аралашувлар, асоратларни даволаш ва беморларнинг касалхонада қолиш муддатини тўғридан-тўғри камайтиради бундай беморларни энг мақбул даволаш тактикаси асосланиши сабабли беморларда даволаш натижаларини яхшилаши орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини ва давлат бюджетини 1,6 баравар тежашга еришилди, шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

«Буйрак усти беши ўсмалари билан жарроҳлик даволанишда беморларни олиб бориш хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 14 сентябрдаги № 9357 -сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертасия мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларда ва 6 та тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий иш замонавий онкологиянинг долзарб муаммоларидан бирига, шу жумладан, гормонално-фаол ўсимталари бўлган буйрак устки безлари беморларини замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда бошқариш ва жарроҳлик даволаш тактикасини такомиллаштиришга бағишланган.


**Диссертациянинг кириш қисмида** диссертациянинг долзарблиги ва талабгирлиги асосланади, мақсад ва вазифалар, объект ва предмет шакллантирилади, тадқиқотнинг мамлакат илм-фан ва техника устуворликларига мос келиши кўрсатилади, натижалар ишончлилиги исботланади, тадқиқотнинг хусусиятлари ва амалий натижалари, натижаларни апробатсия қилиш ва чоп этиш тўғрисида ҳам маълумот берилади, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг биринчи боби «**Буйрак усти безларининг гормонал фаол ўсимталари билан касалланган беморларни бошқариш ва жарроҳлик даволашнинг замонавий қарашлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланади. Ушбу бобда хронологик тартибда хавfli феохромотцитомани диагностика қилиш ва даволаш, унинг учраш тезлиги, гормонал ҳолатни аниқлаш, шунингдек, ушбу касалликнинг этиологик омиллари бўйича илмий ишлар тақдим этилган ва таҳлил қилинган. Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш жараёнида патологияни таснифлаш ва диагностика қилиш, лапароскопик жарроҳлик аралашуви усуллари, операцияга тайёргарликни оптималлаштиришдан тортиб, даволашнинг узоқ муддатли натижаларини баҳолашгача бўлган маълумотлар кўриб чиқилди. Шунингдек, замонавий тиббиётнинг ушбу долзарб масаласи бўйича кейинги тадқиқотлар зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг, «**Тадқиқотни материали умумий тавсифи ва текширув усуллари**» деб номланган, иккинчи бобида тадқиқот объекти, клиник-функционал усуллар, шунингдек, қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган методик ёндашувлар тавсифи келтирилган.

Танлов ҳажми 118 та хавfli феохромотцитомани билан касалланган бемордан иборат эди. Тадқиқотнинг барча иштирокчилари Республика клиник онкология диспансерининг бўлимларида (Россия Федерацияси, Бошқирдистон Республикаси, Уфа шаҳри), Республика ихтисослаштирилган онкология ва

радиология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИОваРИАТМ) ва РИОваРИАТМ Самарқанд филиалида даволанганлар (1-расм).




1-расм. Тадқиқот дизайни

Гемодинамик усулда жаррохлик амалиётига тайёргарлик кўрилган асосий гуруҳни таҳлил қилганда куйидаги кўрсаткичларни қайд этиш мумкин: Гемодинамик усулда жаррохликга тайёргарлик кўрилган гуруҳда Т1Н0М0 босқичидаги беморлар 31 нафарни (51,67%), Т2Н0М0 босқичидаги беморлар эса 29 нафарни (48,33%) ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги ўртача ўсма ҳажми  $5,44 \pm 1,78$  см, беморларнинг ўртача ёши эса  $47,58 \pm 13,67$  ёшни ташкил этди. Анъанавий усулда жаррохликга тайёргарлик кўрилган назорат гуруҳида эса касаллик босқичлари бўйича беморлар куйидагича тақсимланди: Т1Н0М0 босқичидаги беморлар 30 нафарни (51,7%), Т2Н0М0 босқичидаги беморлар эса 28 нафарни (48,3%) ташкил этди. Ушбу гуруҳда ўртача ўсма ҳажми  $5,41 \pm 1,75$  см, беморларнинг ўртача ёши эса  $46,99 \pm 14,01$  ёшни ташкил этди. Биз кўришимиз мумкинки, иккала гуруҳ ҳам барча асосий тадқиқот кўрсаткичлари бўйича деярли бир хил эди.

Аксарият беморлар меҳнатга лаёқатли ёшда, яъни 18 дан 60 ёшгача эди.

Беморларнинг жинс бўйича тақсимоти куйидагича эди: эркаклар — 46 нафар (38,98%), аёллар — 72 нафар (61,02%), бу эса эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбатни 1:1,56 га тенг эканлигини кўрсатади (2-расм).

62 (52,5%) беморда буйрак усти безларининг гормонал фаол ўсимталари ўнг томонда аниқланган, 56 (47,5%) беморда эса чап томонда аниқланган. Анамнез маълумотларига кўра, касалликнинг давомийлиги 6 ойдан 6 йилгача бўлиб, ўртача  $32,27 \pm 1,77$  ойни ташкил этган. Шунинг таъкидлаш жоизки, беморларнинг аксарияти касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганидан кейин 18 ой бўлмасидан олдин ихтисослаштирилган муассасаларга мурожаат қилмаган. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганидан бир йил ичида фақат 17 (14,4%) бемор мурожаат қилган, ҳолбуки, биринчи белгилари пайдо бўлганидан тўрт йил ўтгач, 15 (12,7%) бемор мурожаат қилган.




**2-расм. Беморларнинг жинс ва ёш бўйича тақсимоти.**

Бизнинг сўровномамизга кўра, беморларнинг ихтисослаштирилган клиникаларга кеч мурожаат қилишининг сабаби бирламчи бўғин шифокорларининг симптоматик артериал гипертензия этиологияси тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси марказий туман касалхоналарида замонавий лабораториялар ва топик диагностика технологияларининг йўқлигидир.

Хавфли феохромотцитомали 64 беморда T1N0M0 босқичи, 54 беморда эса T2N0M0 босқичи аниқланган.

Сўровнома натижаларига кўра, 35 (26,6%) бемор узок вақт давомида бирламчи бўғин шифокорлари томонидан гипертония касаллиги бўйича даволанган. Таъкидлаш жоизки, хавфли феохромотцитомали беморлар орасида эрта диагностика аёлларда эркакларга қараганда кўпроқ аниқланган.



**3-расм. Ўсманинг секретор фаоллик турига қараб беморларнинг тақсимоти.**

Метастатик потентсиални баҳолаш ПАСС градатсия тизимидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Барча ҳолларда баллар йиғиндиси 4



дан юқори бўлиб, бу юқори метастатик потенциални кўрсатди. Асосий гуруҳ беморларида ПАСС градацияси бўйича ўртача баҳо 12 баллни ташкил этди, ва шу каби натижа назорат гуруҳи беморларида ҳам қайд этилди.

Ўсимтанинг дифференциация даражаси ГАПП тизими (феохромцитоме ва параганглиомаларда метастазни башорат қилиш учун градация) ёрдамида аниқланган. Асосий гуруҳда 12 (20%) беморда 0–2 балл (юқори дифференциаланган), 34 (56,6%) беморда 3–6 балл (ўртача дифференциаланган) ва 14 (23,4%) беморда 7–10 балл (паст дифференциаланган) бўлган.

Клиник-лаборатория тадқиқотлари барча беморларга ўтказилди ва улар, замонавий услубларга мувофиқ етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналари ёрдамида бажарилган, умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили ва биокимёвий қон таҳлилини ўз ичига олди. Инструментал текширув усулларида ултратовуш текшируви (УТТ), мултиспирал компютер томографияси (МСКТ), Холтер ЭКГ мониторинги (Холтер-ЭКГ) ва эхокардиография (ЭхоКГ) қўлланилди. Усулларнинг диагностик самарадорлиги сезувчанлик, диагностик аниқлик ва ўзига хосликни ҳисоблаш орқали аниқланди. Натижалар статистик ишлови «Эксел» дастури ёрдамида ўзгарувчан статистика усули билан, ўртача арифметик қиймат (М), унинг хатолиги (м) ва ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ) ҳисоблаб чиқилди. Олинган маълумотларнинг ишончлилиги Студент мезони (t) ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг **«Буйрак усти безининг гормонал фаол ўсмалари бўлган беморларни даволашда жарроҳлик ёндашувининг натижалари»** деб номланган учинчи бобида хавфли феохромцитоме бўйича жарроҳликда эндовизуал ва очик ёндашувларнинг жарроҳлик жараёни ва натижаларига таъсири, операция вақтида ва ундан кейин артериал босимнинг критик ўзгаришларининг олдини олиш учун жарроҳликка тайёргарликнинг хусусиятлари, ушбу беморларда миокарднинг структура-функционал ўзгаришлари, шунингдек, патологиянинг клиник кечишининг хусусиятлари ўрганилди.

Хавфли феохромцитомали барча 118 (100%) беморга турли хил ёндашувлардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик даволаш ўтказилди. Трансабдоминал «лапаротомия» жарроҳлик ёндашуви 87 (73,7%) беморда қўлланилган, лапароскопик ёндашув ёрдамида адреналектомия эса 31 (26,3%) беморда амалга оширилган. Жарроҳлик ёндашувининг тури ва операцияга тайёргарликнинг адекватлигини баҳолаш усули (гемодинамик ва анъанавий усуллар) бўйича периперацион гемодинамик бузилишларнинг боғлиқлиги ўрганилди.

Узоқ вақт давомида феохромцитоманинг мобилизацияси, уни тизимли қон айланишидан «узиш» дан олдин, фақат обектив гемодинамик мезонларга асосланган адекват жарроҳликка тайёргарлик кўрилган тақдирдагина, жарроҳлик амалиёти вақтида артериал босим ва юрак уриш тезлигига таъсир қилмаслиги аниқланди.

Феохромцитомали беморларда жарроҳликка тайёргарликнинг асосий вазифаси жарроҳлик амалиёти вақтида артериал босим кўрсаткичларини

нормаллаштиришдир, бу эса гемодинамик асоратлар хавфини минималлаштиришга имкон беради.

Хавфли феохромотцитома билан оғриган беморларда артериал гипертензиянинг турли шаклларида клиник кечишнинг хилма-хиллиги ва гемодинамик ўзгаришларнинг хусусиятлари жарроҳлик аралашувга тайёргарлик кўришда дифференциаланган ёндашувни талаб қилади. Операцияга тайёргарлик учун танлов препарати сифатида тан олинган восита селектив  $\alpha$ -адреноблокаторлардир. “Хавфли феохромотцитома” ташхиси қўйилган 118 (100%) бемордан 112 (95%) нафарига операцияга тайёргарлик ўтказилган. Касалликнинг “жим” шакли билан оғриган 13 бемордан 6 нафари операцияга тайёргарликдан ўтмаган. Операцияга тайёргарлик кўриш мақсадида барча ҳолларда селектив  $\alpha$ -адреноблокатор доксазозин қўлланилган. Биринчи гуруҳда 118 (100%) бемордан 60 (50,8%) нафарида операцияга тайёргарлик самарадорлиги нафақат беморларнинг “гипертоник кризларнинг тез-тез учраши” каби субъектив ҳис-туйғулари, балки артериал босим ва юрак уриш тезлигини назорат қилиш асосида ҳам баҳоланди. Бундан ташқари, умумий периферик қон томир қаршилиги индексининг кўрсаткичлари ва артериал босимнинг кечаси кўтарилиш эпизодлари ёқлиги суткалик артериал босим мониторинги маълумотларига кўра баҳоланди. Гемодинамик тадқиқотлар селектив  $\alpha$ -адреноблокада бошланишидан олдин, артериал босим ва юрак уриш тезлиги клиник барқарорлашгандан кейин, шунингдек, умумий периферик қон томир қаршилиги индекси нормаллашгунча ҳар 3 кунда ўтказилган.

Иккинчи гуруҳда 118 (100%) бемордан 58 (49,2%) нафарида селектив  $\alpha$ -адреноблокаторлардан фойдаланиб операцияга тайёргарлик самарадорлиги беморларнинг “гипертоник кризларнинг тезлиги ва интенсивлиги” каби субъектив ҳис-туйғулари, шунингдек, артериал босим ва юрак уриш тезлигини назорат қилиш каби физик текширув усуллари натижалари асосида баҳоланди. Селектив  $\alpha$ -адреноблокаторнинг доза ва қабул қилиш давомийлиги индивидуал тарзда танланди, 2 мг доксазозин кечаси артериал босим назорати остида қабул қилишдан бошлаб. Агар артериал босим юқори бўлиб қолса, доксазозин дозаси ҳар уч кунда 2 мг га оширилиб, артериал босим нормаллашгунча (максимал суткалик доза — 16 мг) берилди. Артериал босимнинг 3 кун давомида нормаллашиши ва гипертоник криз эпизодларининг йуқлиги операцияга тайёргарликнинг етарли эканлигини кўрсатади.

Хавфли феохромотцитомали беморларда операциягача  $\alpha$ -адреноблокада самарадорлигини фақат артериал босимнинг барқарорлашиши ва гипертоник кризларнинг йуқлиги асосида баҳолаш етарли эмас. Клиник барқарорликка эришилганига қарамай, инструментал ва гемодинамик тадқиқотлар микротциркулятор тизим даражасида яширин қон айланиш бузилишлари мавжудлигини, шунингдек, тунги вақтларида артериал гипертензия эпизодлари кузатилишини кўрсатади. Бу касалликнинг кечиш характериға қараб, периперацион даврдаги асоратларнинг асосий сабаби бўлган

гемодинамик бузилишлар бартараф этилгунга қадар операцияга тайёргарлик муддатларини узайтириш зарурлигини кўрсатади.

Ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида касалликнинг турли клиник турларини ҳисобга олувчи беморларни операцияга тайёрлаш алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм).



#### 4-расм. Операцияга тайёргарлик алгоритми

Селектив  $\alpha$ -адреноблокаторлардан фойдаланган ҳолда операцияга тайёргарликнинг адекватлигини баҳолаш мезонларига қараб, беморлар таққослаш учун икки гуруҳга бўлинди.

Беморларни операцияга тайёрлаш, артериал гипертензиянинг кечиб туридан қатъи назар, кечаси артериал босим назорати остида 2 мг доксазозин буюришдан бошланди, шу билан бирга, тунги уйқудан ташқари, ҳар 4 соатда артериал босимни ўлчаш тавсия этилди. Агар артериал босим уч кун давомида юқори бўлиб қолса, доксазозин дозасини ҳар уч кунда 2 мг га оширилиб, артериал босим нормаллашгунча (максимал суткалик доза — 16 мг) ва гипертоник криз эпизодлари йўқолгунча оширилди. Эрталабки артериал босим ва юрак уриш тезлиги (ЮТ) нормал даражага етиб, улар уч кун давомида барқарор бўлгандан сўнг, умумий периферик қон томир қаршилиги индекси (УПКТҚи) ва артериал босимнинг суткалик мониторинги (АБСМ) ўтказилди. Доксазозин қабул қилиш давомийлиги УПКТҚи кўрсаткичларининг нормаллашишига қараб белгиланади. УПКТҚи мониторинги бошланғич ҳолатда, артериал босим ва ЮТ клиник барқарорлашгандан сўнг, кейин ҳар уч кунда ўтказилди, бунда доксазозин

дозасини оширилмасдан. УПҚТҚи нормаллашгандан сўнг, операцияга тайёргарлик етарли деб ҳисобланди. Агар комплекс гемодинамик тадқиқот маълумотларига кўра "жим" феохромотцитомадан шубҳа қилинган бўлса, бошланғич ҳолатда УПҚТҚи ошиши аниқланса, операцияга тайёргарлик ҳам 2 мг доксазозин буюришдан бошланди. Беморларнинг операцияга тайёрлиги УПҚТҚи  $1600 \text{ дин} \cdot \text{с} \cdot \text{см}^{-5}$  дан паст даражага тушиши билан белгиланади. Агар УПҚТҚи даражаси  $1600 \text{ дин} \cdot \text{с} \cdot \text{см}^{-5}$  дан юқори бўлиб қолса, доксазозин қабул қилиш давом эттирилди, препарат дозасини уч кун давомида оширилмасдан (5- расм).



**5-расм. Гормонал фаол феохромоцитомга эга беморларда жарроҳлик олди тайёргарлик усулига қараб, альфа-адреноблокаторларни қабул қилиш давомийлиги ва дозаси бўйича тадқиқот**

Тадқиқотимиз маълумотлари хавли феохромоцитома сабаб бўлган сурункали гипертензия билан оғриган беморларда жарроҳлик аралашувларга тайёргарлик кўришда альфа-адреноблокаторлардан узоқ муддатли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлайди. Ушбу дориларни операциядан олдинги тайёргарлик босқичида қўллаш қон босимини сезиларли даражада камайтириши мумкин, бу еса операциядан кейинги даврда асоратлар хавфини камайтириши мумкин.

Бизнинг кузатувларимизда альфа-адреноблокаторлар қабул қилган беморларда доимий гипертензиянинг сезиларли даражада камайиши қайд этилди, бироқ ҳар бир пациентнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш зарур. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, умумий периферик қон томир қаршилиқ (УПКТҚ) даражаси ва уни нормаллаштириш учун талаб қилинадиган вақт ўзгарувчан. Бу муайян беморнинг клиник ва гемодинамик кўрсаткичларига асосланган индивидуал ёндашувнинг аҳамиятини кўрсатади.

Гемодинамик назорат ва альфа-адреноблокаторлардан фойдаланиш хавfli феохромоцитома туфайли келиб чиққан сурункали гипертензия билан оғриган беморларни муваффақиятли жарроҳлик олди тайёргарликнинг асосий элементлари ҳисобланади. Ушбу тамойилларнинг оқилона қўлланилиши клиник натижаларни сезиларли даражада яхшилади ва жарроҳлик хавфларини камайтириши камайтиради, ва шу билан беморларнинг ушбу заиф гуруҳига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатади.

Тадқиқотимиз натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, бу соҳада жарроҳлик олди назорат тактикасини оптималлаштириш ва хавfli феохромоцитома билан боғлиқ ҳодисаларни даволаш стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган ушбу соҳадаги кейинги тадқиқотларнинг муҳимлигини тасдиқлаймиз.

Тўртинчи бобда **«Гормонал-фаол буйрак усти ўсмаларини даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижалари»**, буйрак усти безининг гормонал-фаол ўсмаларини даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижалари келтирилган. Адабиёт маълумотларига кўра, хавли феохромоцитома билан хасталанган беморларда операциядан кейин ўлим ҳолати 0 дан 6,7% гача, асоратлар эса 3,3 дан 36,1% гача ўзгаради. Бундай кўрсаткичлар орасидаги тафовут тадқиқотлар нотўғрилиги, маълумотлар тўлиқ эмаслиги ва асоратлар хусусиятини аниқлашдаги ноаниқлик билан изоҳланади.

Энг оғир ҳолатдаги бўлган беморларнинг кичик гуруҳига жами 39 нафар (бу беморлар умумий соннинг 33%) кирди. Уларнинг 20 нафари (51,3%) жарроҳликдан олдинги тайёргарликнинг гемодинамик усулдан фойдаланган ҳолда тайёрланган гуруҳидан ва 19 нафари (48,7%) жарроҳликдан олдинги тайёргарликнинг анъанавий усули билан таёрланган гуруҳдан эди. Ушбу беморларнинг барчасида феохромоцитоманинг клиник кўринишлари, жумладан катта ўчоқли кардиосклероз, юрак ритмининг бузилиши, шунингдек, анамнезда ўткир мия қон айланиши бузилишлари ва оғир шаклдаги қандли диабет қайд этилган.

Ўртача ва енгил даражадаги хавфли феохромоцитома билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳига илгари юқорида келтирилган симптомлар аниқланмаган 79 бемор (67%) киритилган. Улардан 40 нафари (50,6%) операциядан олдинги тайёргарликнинг гемодинамик усули билан тайёрланган гуруҳдан, 39 бемор (49,4%) эса операциядан олдинги тайёргарликнинг анъанавий усули билан тайёрланган гуруҳдан эди.

Жаррохликдан кейинги асоратларни таҳлил қилиш жаррохликдан олдин беморларнинг аҳволининг оғирлигига қараб асосий ва назорат гуруҳларини ажратиш зарурлигини кўрсатди.

Умумий қабул қилинган схема бўйича альфа-адреноблокаторлар ёрдамида жаррохликдан олдинги тайёргарликдан ўтган оғир феохромоцитома билан оғриган 19 (48,7%) беморларнинг кичик гуруҳида учта бемор (7,7%) жиддий юрак-қон томир асоратларини, шу жумладан миокард инфарктини бошдан кечирди. Икки ҳолатда тромбоемболия кузатилди. Учта беморда (7,7%) ўткир мия ишемияси ривожланди, бу бир ҳолатда ўлимга билан яқунланди.

Энг оғир ҳолат 53 ёшли беморда кузатилди, унда узок вақт давомида артериал босимнинг юқори бўлиши, ортостатик гипотензия, кучсизлик, терлаш ва юрак-қон томир бузилишлари қайд этилган. Мунтазам терапияга қарамай, ҳолат яхшиланмади. Текширув чоғида ўнг буйрак усти безида ўсма, катехоламинлар (суткалик пешобда метанефрин ва норметанефрин) ва ВМК кўтарилиши аниқланди, шунингдек, юрак чап ҳажмининг чиқариш фракцияси 38% га тушгани ва гипокинез зонаси қайд этилди.

21 кунлик  $\alpha$ - ва  $\beta$ -блокаторлар билан операциядан олдинги тайёргарликдан кейин беморнинг ҳолати сезиларли даражада яхшиланди: вегетатив симптомлар йўқолди, артериал босим барқарорлашди ва юрак чап ҳажмининг чиқариш фракцияси 48% га кўтарилди. Бироқ даволашнинг бошида такрорий гипертония кризлари қайд этилди.

Бу натижалар хавфли феохромоцитомаси бўлган беморларда, айниқса, юрак-қон томир тизимидаги илгари мавжуд бузилишлар фониди, кардиоваскуляр асоратлар хавфи юқори эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат ушбу тоифадаги беморларни бошқаришда қатъий мониторинг ва индивидуал ёндашув зарурлигини таъкидлайди.

